




- * Адашганлар алданганликларини билишди
- * "Ниҳол-99": Талаба актёрларни танлади
- * Мурод Ражабов муҳаббатни қандай тушунади?
- * Япон келинининг ўзгаларникига ўхшамаган томони
- * Тўрт оёқли қиз фожеали ўлимнинг сабабчиси



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 апрель Чоршанба.
№ 28 (144219)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу йил 31 март куни мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрель куни Халқаро академия президенти В.Шукшунов Ислоҳ Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.

Россиялик меҳмон дипломини топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдида қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислоҳ Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В.Шукшунов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатига кузатилмайди. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислоҳ Каримов халқаро академия дипломини қабул қилиб олар экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт - кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади - фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга тиришганимизнинг бош сабаби ҳам шу, деди Ислоҳ Каримов.

XXI аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шуни кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати янги миллий дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганлардан ташқари, яна мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин



ЁШЛАР ИФТИХОРЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиев мамлакатимиз кончиларининг фахри. У Муборакдаги газ ва нефть конлари бошқармасида узоқ йиллардан буён оператор бўлиб ишлайди.

-- Ҳалол ишладим, касбимни севдим, кам бўлмадим, - дейди Бўрон ака. - Меҳнатларим эвазига хурмат ва эътибор топдим. Шу боис, фарзандларимнигина эмас, ҳатто невараларимни ҳам халққа, Ватанга садоқатли бўлиб тарбия топишлари учун ҳаракат қилмоқдаман.

тармоқ бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самарадорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяптию, қанчаси бекор юргани жиддий тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланаётган ёшлардир. Ўша пайтда улар очик денгиздаги кемага ўхшаб қолади - фойдали томонга бурилса, жамият ва

давлат равнақи учун айни муддао, аксинча бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, кони зарар бўлади. Эндиликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар камида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, В.Голишев, Т.Рисқиев, Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Караматов иштирок этди.

Баъзан озодлик неъмат, моҳияти ва қадрини англаб етмаган айрим кимсалар арзимас қийинчиликлардан нолиб қолади. Ахир бугун ривожланган мамлакатлар саналмиш АКШ, Франция ёки Англия тараққиётнинг бундай босқичига осонгина етишган эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган саккиз йил ичида

ЎННАН КҲН САБОҚЛАРИ

мамлакатимизда бир неча ўн йилларга арзигулик оламшумул ўзгаришлар юз берди.

Бироқ сиёсатимиздаги барқарорлик, иқтисодийтимиздаги улкан ривожланишлар баъзи сохта "халқпарвар" нокасларга ёқмай, улар турли йўллар билан халқимизнинг осойишталигига путур етказишга уринмоқда.

Бизнинг эътиборсизлигимиз оқибатида юз берган февраль воқеалари озодликдан маст бўлган одамнинг бошига урилган муштек бўлди.

Шундан кейингина биз Президентимиз сабоқларини қайта-қайтадан излай бошладик. Йўлбошчимиз олиб бораётган сиёсатни янада жипслашиб қўлаб-қувватлашимиз, юртимиз мустақиллигини Президентимиз билан елкама-елка туриб ҳимоя қилишимиз, мустақамлашимиз кераклигини шундагина англаб етдик. Февраль воқеалари ҳаёт тарзимизни қайтадан тушунишга, лоқайдликка барҳам беришга, воқеликни онгли равишда таҳлил қилишга чорлаган кўнғироқ бўлди, десам муболага бўлмас.

Ўша воқеаларнинг асосий қатнашчилари ёшлар эканлиги нимадан далолат беради? Демак, биз ҳамон оилада фарзанд тар-

биясига панжа ортидан қарамаепмизмикан?!.. Бу муқаддас Ислоом динини ниқоб қилиб олган жиноятчи тўдалар орамизда борлигидан беҳабар, гафлатда қолганлигимиздан дарак бермайдими?!.

Минг таассуфки, шундай! Бироқ афсусга ўрин йўқ, биз зуллик билан тарбиявий ишларни кучайтирмоғимиз лозим. Мамлакатимиз раҳбари, инсонда мафкурарий бўшлиқ бўлмаслиги керак, агар пайдо бўлгудек бўлса, у бўшлиқни бошқа мафкура эгаллаб олади, деб кўп таъкидлайдилар. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

Мустақиллик гоёси, миллий мафкурамизни халқимиз онгига синдириш, энг севган туйғулардан бирига айлантириш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эмасми?! Ватан, мустақиллик, юртимиздаги

ривожланишлар, маънавият ва маърифат, қонун устуворлиги, инсоф ва диёнат моҳиятини фарзандлар онгига синдиришни онла даврасиданоқ бошлаш керак, деб ўйлайман. Юқорида айтганларимдан баҳраманд бўлиб ўсган фарзанд албатта, юртининг, халқининг қорига ярайдиган инсон бўлиб етишади.

Жамиятимиздаги кечаги воқеалар жараёни ёш авлодга тўла етиб бориши, ёшларни ҳар бир ишда адашмасликларини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилсагина буюк келажак сари қўяётган қадамимиз янада раван бўлади.

Бугуннинг фарзандини тарбиялаш -- Ватанимизнинг келажagini, унинг келгусида жаҳонда тутган мавқени белгиловчи авлодни тарбиялаш демакдир. Халқимизнинг маърифатпарвар адиби Абдулла Авлоний айтганидек: "Тарбия биз учун ё ҳаёт -- ё мамот, ё нажот -- ё ҳалокат, ё саодат -- ё фалокат масаласидир".

**Яхшибека АБДУЛЛАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган халқ
маорифи ходими,
тарих фанлари номзоди**

«ДАИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ...»

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, маданият ва санъат арбоблари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» деб номланган ислоҳот жонкуярлари ижодий гуруҳини ташкил этди. Ижодий гуруҳ олий ва махсус ўқув юртининг талаба-ўқувчилари, жойлардаги меҳнат жамоалари, маҳаллаларда Президент Ислоом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмунини атрафлича тушунириш, маънавий-ахлоқий, диний ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, мафкурарий таҳдидларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказиш, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий гоё, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ва бадиий эстетик эҳтиёжларини қонди-

риш вазифалари бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

Ижодий гуруҳнинг биринчи учрашуви Тошкент шаҳри Яққасарой тумани маҳаллалари аҳолиси билан Бобур номидаги богда бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ғуломов очди.

Йиғилганлар олдида Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, таниқли санъаткорлар Маъмура Эргашева, Ғуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоилов, Рушана Султонова ва бошқалар сўзга чиқдилар ҳамда ўз санъатларини намойиш етдилар.

Ижодий гуруҳ қатнашчилари тузилган дастур асосида республика вилоятларида бўладилар.

**Д.САИТОВА,
ЎЗА мухбири**

ТАЛАБАГА ЭЪТИБОР

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу ўринда шахсан Президентимиз ташаббуси билан Республикаимиз вилоятларида ташкил этилган қатор университетлар, шунингдек истиқлолга қадар мавжуд бўлмаган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари университетлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Куролли кучлар академияларини тилга олинишининг ўзи кифоя. Сўнги йилларда жаҳон андозалари даражасидаги замонавий лицей ва коллежлар таъсис этилди. "Қамолот", "Умид", "Устоз", Улугбек номидаги жамғармаларга асос солинди. Мазкур жамғармалар орқали хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртинларига ҳозирда кўплаб ёшлар ўқишга юборилмоқда.

Бугун амалда тадбиқ этилаётган қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур гоёсининг илк ташаббускори ва раҳнамоси ҳам Ўлбошчимиздир. Сўнги йилларда Президент Фармонлари билан Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтига университет мақоми берилди. Бу ўз навбатида университет профессор-ўқитувчилари зиммасига янада юксакроқ масъулият юклайди. Ҳозирги кунда мазкур ўқув масканининг кундузги бўлимида 4300 нафар йигит-қизларимиз турли фан соҳалари бўйича таълим олмақда. Қолаверса, бу ерда таълим билан бирга тарбиявий ишлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Университетда таҳсил кўраётган ҳар бир йигит-қизга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса ёшларимизнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ташкил қилишга эришиб, уларнинг маънавий дунёсига таъсир этадиган омилларни изчилик билан ўрганиб чиқдик. Режадаги машғулотлардан кейинги вақтни ҳам ёшлар билимларини чуқур ўзлаштириш, фан асосларини эгаллашга ёрдам берадиган ва маънавий дунёсини бойитишга таъсир этадиган фаолият билан банд бўлишига интилоқдамиз. Талабанинг бўш вақти масъулиятдан ҳоли бўлган вақт эмас. Шундай экан, ёшларимиз ҳар бир соатдан унумли фойдаланмоғи, ўз билимини узлуksиз мустақамлаши, дунёқарашини кенгайтириши лозим.

Аслида маълум маънодаги безориликлар, маънавий танбалликлар айнан бекорчиликдан келиб чиқади. Университетимизда ёшларнинг дарсдан ташқари вақтини самарали ўтказишлари учун зарур шароитлар яратилган. Маърифат

хоналари ташкил этилиб, уларда кичик кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Талабалар уйларига ижтимоий кафедралар бириктирилди. Ўқув масканида факультетлар мазмунидан келиб чиқиб, қатор тўрақлар фаолият кўрсатмоқда. Деярли барча талабалар уйи олдида спорт майдончалари мавжуд. Гуруҳлар, факультетларо талабалар беллашувларини уюштириш университетда яхши анъанага айланган. Профессор-ўқитувчилар жамоаси билан талабаларнинг ота-оналари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш мунтазам амалга ошираётган хайрли юмушларимиздан саналади.

Университет ёшларида чин ватанпарварлик, миллий гурурни камол топтириш тарбиявий ишларнинг асосини ташкил этади. Замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар, хусусан ёшлар тафаккурини ҳам тезда ўзгариб боришига таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам бу борада ўқитувчилардан катта ҳушёрлик ва билимдонлик талаб этилади. Президентимиз айнан шу муаммо хусусида фикр юритар экан, "Туркистон" газетаси муҳбири саволларига жавоб қайтариб, шундай деганди: "Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқдамиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдирish тарафидамиз. Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан, чарогон этадиган мафкура -- миллий гоёни шакллантиришнинг асосий шарти -- одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инobatта олишдир. Шу маънода миллий гоё, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради".

Ҳа, ёшлар тафаккурини миллий ва умуминсоний гоёлар билан бойитиш тарбиявий ишларнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Зеро, шу билан биз талабаларимизнинг айрим гайри ахлоқий ва гайри қонуний оқимлар таъсирини тушиб қолишларидан асраб қоламоз.

**Абдуғаффор КИРФИЗОБОВ,
Низомий номидаги Тошкент
Давлат Педагогика университети
биринчи проректори, доцент**

Бир неча кун давом этган «Нихол-99» кўрик-танлови ўз ниҳоясига етди.

Барча жамоалар тайёрлаб келган сахна асарлари намойиш этилгандан сўнг ТошДУ маданият саройида фестивал якунига бағишланган маросим бўлди.

Маросимда сўзга чиққан - республика «Қамолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов, Ўзбекистон халқ артисти, профессор П. Ходжаева, республика маданият ишлари вазирлиги ўрибосари М. Абдуқудиров ва бошқалар фестивал иштирокчиларини қизгин табриқладилар.

Фестивал якунига кўра, «Энг яхши спектакль учун» соврини ТошДУнинг «Хўжайинлар» ва 2-Тошкент медицина институтининг «Солихўжа операцияси» сахна асарларига берилди. «Энг яхши режиссура учун» соврини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Садуллаевга насиб этди. Фестивалда «Энг яхши аёл роли ижроси учун», «Энг яхши эркек роли ижроси учун», «Томошавийлиги ва долзарблиги учун», «Замонавийлиги учун», «Миллий қадриятларни тиклашдаги ҳиссаси учун» каби совринлар ҳам ташкил қилинди ва улар Қорақалпоғистон Давлат университети, Жиззах Давлат педагогика институти, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети каби олийгоҳлар театр жамоаларига таъинланди.

Кеча якунида ТошДУнинг «Шоғовлар» театр-жамоаси йиғилганларга қувонч улашди.

Биз бўлиб ўтган фестивал ҳақида анжуман иштирокчилари фикрларини билишга ҳаракат қилдик.

Мақсуд АСАДОВ, Бухоро Давлат университети тоғлиби:

-- Фестивал талаба ёшларнинг дўстлашиши, ўзаро фикр алмашиши учун қўлай восита бўлди, десам адашмайман. Тўғрироғи, талабалар давримиздаги «Нихол-99» кўрик-танлови ёрқин саҳифа бўлиб қолиши турган гап.

Бизнинг «Фохира» талабалар ижодий гуруҳимиз устозимиз, филология фанлари номзоди, доцент Нодира Афоқованинг "Аср харитаси" сахна асарини тайёрлаб келган эди. Асар XX аср сиёсий-ижтимоий ва маъна-



УМИД НИҲОЛЛАРИ

вий ҳаёти ҳақида. Бир кўринишли ушбу асарда аср бошидаги "миллий уйғониш даври" ҳаёти, қисман XX асрнинг иккинчи ярми собиқ империя даври ҳамда 90-йилларда юртимизнинг мустақилликка эришиш жараёни ўз талқинини топган.

Рухилло ЧУЛИЕВ, Бухоро Давлат университети тоғлиби:

-- Менга Қорақалпоғистон Давлат университети талабаларининг

"Бу турфа дунё" номли сахна кўриниши айниқса манзур бўлди. "Жаслык" ижодий гуруҳи имкон қадар ёшлар ҳаётнинг муҳим қирраларини ёритишга ҳаракат қилди.

Ботир ЗИЕДУЛЛАЕВ, Самарқанд Давлат университети талабаси:

-- Ушбу фестивалга ижодий жамоамиз Б.Исмоиловнинг "Тадбиркор гўрков" номли асарини

тайёрлаб келди. Унда талабаларнинг баъзи иқтисодий қийинчиликларга дуч келиб, пул топши мақсадида турли хилдаги оқимларга кириб кетиши, бунинг оқибатида улар ўқишларидан воз кечишлари ва бора-бора бундай ишлар ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, фожеаларга сабаб бўлиши ҳақидаги муаммолар очиб ташланган.

Менга Наманган Давлат университети жамоаси намойиш этган "Юрт соғинчи", Тошкент Давлат педагогика университети тайёрлаган "Замоннинг синган

шундай намоен бўлди.

Қаҳрамон САЪДУЛЛАЕВ, "Энг яхши режиссура учун" мукофоти совриндори, "Нихол-99" фестивали ташаббускорларидан:

-- Мамлакатимизда турли фестиваллар бор. Лекин талабалар театр жамоаларининг фестивали йўқ эди. Биз ёшларимизни санъатга бўлган муҳаббатини ўстириш, қобилиятларини намойиш этиш мақсадида шу анжуманни ташкил қилдик. Бизга голиб ёки мағлуб керак эмас, бизга жараён керак. Ёшларимиз агар санъатга, адабиётга, маънавиятга бефарқ эмасми, улардан ёмон одам чиқмайди. Яна яқинда талабалар ўртасида "Асқия байрами"ни ўтказишни режалаштиряпмиз. Бу нарса ёшларимизнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини яхшилашга хизмат қилади.

Эркинжон УМАРОВ, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

-- Мен бунчалик бўлар, деб кутмагандим. Фестивал ўтказилган кунлари талабалар ҳамжиҳат бўлиб спектакль кўришга киришди. Ёшларимизда ўзгача бир жасорат пайдо бўлди. Демакки, шундай фестиваллар керак экан.

**Сухбатни Ф.ЖАБИЕВ
ва Н.САЛОМОВ
уюштирди**



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1999 йил 14 апрель № 22

Ўзбекистон бос, Махмудова, - деги ч. - Мушунни билмай қилаб кўрибман. Ўзбекистон ҳам масъул эканми? Ўзбекистон бос, Махмудова, - деги ч. - Мушунни билмай қилаб кўрибман.

«ТЕНГ-ТЕНГИ БИЛАН» ЭМАС

(«Туркистон», 1999 йил 17 март)

«Чимилдиқ»да Фарҳоджон ёзган мактубни ўқидим. Шундан кейин таъсирландимки. Бир нарсани эсимдан чиқарди. Мен танишмоқчиман. Экан, мен эса туманида яшайман. Йилда Фарҳоджон ёзмаган экан, балки каттадир тушунган қиз бор-нимча ногиронлик яхши кўрган банди, дейишадик. Тўғри тушунсин. Етиб борганига топган бўлса, мен ман. Агар ҳали ҳам бўлса менга хат дунёда бирор эмас, руҳияти бирга яшаш керак. Ота-онаси ҳам уни тушунишар, деб ўйлайман. Манзилгоҳимни «Туркистон» тахририятида билишади.



Шундан кейин таъсирландимки. Бир нарсани эсимдан чиқарди. Мен танишмоқчиман. Экан, мен эса туманида яшайман. Йилда Фарҳоджон ёзмаган экан, балки каттадир тушунган қиз бор-нимча ногиронлик яхши кўрган банди, дейишадик. Тўғри тушунсин. Етиб борганига топган бўлса, мен ман. Агар ҳали ҳам бўлса менга хат дунёда бирор эмас, руҳияти бирга яшаш керак. Ота-онаси ҳам уни тушунишар, деб ўйлайман. Манзилгоҳимни «Туркистон» тахририятида билишади.

НИЛУФАР

Уйда кенжа қизман. Аммо бир умрга эрка бўлиш менга насиб этмади. 18 ёшимда Ш. исмли йигитни севиб қолдим. Аммо унинг бир айби бор эди, уйланиб ажрашган. Ҳеч қачон бу учун уни айблай олмадим. Чунки роса очиккўнгил, мард эди. Унинг ота-онаси совчиликка келишганда уйимиздагилар уларни ерга уриб, ҳақоратлаб ҳайдашди. Мен йигитни оқламоққа уринардим. Бироқ, ота-онам, акасингиларим мени эшитишни ҳам хоҳлашмай, ҳатто йигитнинг ишхонасига бориб, обрўини бир пул қилиб келишди. Тақдир битта бўлса йўли топилар экан, маҳалла катталарини орага қўйиб охири тўйимиз бўлди. Бахтимиздан мағрур эдик, лекин нимадир шу шодлигимизга соя солиб турарди. Бу икки қудалар ўртасига тўйдан аввал тушган совуқчилик турмуш ўртоғимнинг бизникилар томонидан ҳамхоналари ўртасида шарманда қилиниши. Тўй-маросим, йўриқ-йўсинларда ҳам уйимиздагилар билан бордик. Деярли қилинмас, онда-сонда кўришиб қолишса, қўл учидан саломлашишдан нарига ўтишмасди. Фарзандли бўлдик. Бизнинг ширингина турмушимиз аччиқлаша борди ва ажрашдик. -- Баттар бўл, - дейишди сингилларим. -- Гапимизга кирмадинг, энди борган жойингга боравер, - деди отам. Бошимни қўйи солиб, боламни бағримга босиб, кичкина тугунча билан кўчага чиқдим. Дуч келган

ҲЕЧ КИМГА КЕРАК ЭМАСМИ?
АММО БУГҮН...

Ўқувчи

автобусда аввал шаҳарга, кейин Тошкентга келдим. Яхшиям ўқиб, қўлимга дипломимни олганим. Пойтахтда меҳрибон одамишга жойлашдим. Меҳнат қил-лар ёрдами билан Сидқидилдан дим, обрў орттирдим. Ва ниҳоят, мени уйдан қувилган, адашган инсонни ўз шаҳримга раҳбарлик лавозимига ишга жўнатишди. Уй, хизмат машинаси беришди, ўғлим ҳам катта бўлиб, ёнимга кирди. Шу-шу яна топишиб олдик. Аммо юрагимдаги алам ўти мана йиллар ўтапти, асло босилмайди. Ота-онам, жигарларим эса тез-тез у ёки бу муаммолари билан йўқлаб туришади. Уларига меҳмонга чақиривади, худди ўртада ҳеч гап ўтмагандек. Бир пайтлари мени кўрса «шарманда» деб афтини буриштирган қариндошлар учун эса уруғ-аймоғимизнинг «фаҳри»га айландим. Ҳаммаларига маслаҳаттўй, сирдошман. Бу гапларни ёзмадим, ичимга сиғмай кетди. Балки ноҳақдирман, аммо негадир уларни тилдан кечирсам ҳам, дилдан кечира олмапман. Ё ўзим айбдормиканман?

МАХБУБАХОН

Ушунга қараб кўриб борин. Дўстлар мени боради текшириб кўришганда кейин бош таяққади: - Ҳомиласи қабилалишиб қолган, олов тилиши турмуш эмас.

Тўғруқхонадан келган кунимок, мени ҳамма жуда яхши кутиб олди. Лекин ҳаммадан кўра кўпроқ қувониши керак бўлган эримнинг кайфи келди. Кайфияти йўқ, у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам ҳадеб сўкинади. Охири ичидидаги сиртига чиқди. «Айтиб қўяй, агар яна қиз туғадиган бўлсанг, касалхонадан тўғри онангникига кетавергин. Ҳамма улфатларимнинг ўғли бор, менинг устимдан кулишаяпти», деди. Иккинчи қизим туғилганида қайнона-қайнотам

ЭРИМ ЎЗТАРИБ ҚОЛДИ

Тўйимизга ҳам етти йил бўлаяпти. Турмушимизга ташқаридагилар ҳавас қилади. Чунки рўзгор учун ҳамма нарса етарли, уст-бошим бут, қорним тўқ. Аммо ўша жаннат деб тасвирланган уйда қадрсизман. Турмуш ўртоғим менга нисбатан жуда бефарқ. У мени ўз соямдан ҳам қизғонадиган, ўта рашкчи бўлишни асло хоҳламайман. Лекин менга бир буюмга ё анжомга қарагандек эмас, инсон сифатида муносабатда бўлишни, озгина бўлса ҳам меҳрини аямаслигини истардим. Ўртоқларимга ҳавасим келади. Баъзида меҳмондорчиликда ўтирсак ҳам эрларим телефон қилиб, хотинидан хабар олиб, уни соғиниб, овозини эшитгиси келиб сўроқлаб қўяди. Мени-чи, телефон орқали у ёқда турсин, ҳатто бир ҳафтада, майли жуда бўлмаса бир ойда «хотин, яхшимисан, аҳволинг қалай» деб суринтириш ҳаёлига ҳам келмайди. Эрталаб тайёр нонуштани ейди-ичади, ишга кетади. Кечкурун ҳам шу аҳвол, чарчаганман деб телевизор кўради, газета ўқийди, ухлайди, болаларининг гап-сўзига ҳам лўндагина қилиб жавоб қайтаради, тўпалон қилишса, бақириб беради. Эримнинг эътиборини ўзимга қаратиш учун нима қилай. Хурматли «Чимилдиқ», менга маслаҳат бер!

НОЗИМА

ҚИЗ ФАРЗАНД ЭМАСМИ?

яти йўқлигини илғадим. Мен буни келди-кетдидаги чарчоқларга йўйдим. Кейин билсам, сабаби оғайнилари угил кўрган экан, бизники эса қиз эди... Яна иккинчи фарзандимга ҳомиладор бўлдим. Тўғишим яқинлашган сари юрагим эзиларди. Яна қиз туғсам-чи? Бир куни эрим маст ҳолда уйга



эримни зўрлаб олиб келишди. Лекин турмуш ўртоғим ҳар кун ичадиган, мени уйдан ҳайдайдиган одат чиқарди. Ҳеч кимнинг гапига кирмайди. Натижада ажрашиб кетдик. Ҳозир ота-онамникида яшайман. Қизларимнинг етимлигига, мени шундай қийналиб яшашимга сабаб ўғлимиз йўқлигидан.

ГУЛЧЕХРА,
Когон тумани

ҲАЯТ ЁЗИШГА ОШИҚМАН

«Севги қадим нарса. Уни ҳар бир қалб янгилайди» деган фикрнинг тўғрилигини яқинда топилган қадимий сеvgи мактуби ҳам исботлади. Маълум бўлишича, бу топилма эрамиздан 2200 йил муқаддам йигитнинг ўз маъшуқасига ёзган сеvgи изҳори экан. Момо Ҳаво пайдо бўлгандан бери инсон билан қадам-бақадам одимлаб келаётган бу

улуг туйғу ўзининг изҳор турини турли воситалар билан ифода этиб келди. Шеърят, мусиқа, кўшиқ, рақс, санъат... «Ишқсиз ҳар бодага Маккага бормоқ не керак, Иброҳимдан қолган бу эски дуконни на қилай,» - дея ҳайқирган эди, Машраб. Аҳмад Яс-

савий эса изҳорни қуйидаги мисра билан ифодалаган: «Ҳар не қилсанг ошиқ қилгил парвардигор». Сизга ҳам алоҳида маслаҳатимиз - сеving. Фақат 2200 йил берида туриб, 2200 йил наридаги ошиқ йигитлар усулидан фойдаланиш натижасиз,

ҳатто зарарлидир. Чунки, ўша ошиқ йигитнинг дил рози қизга етиб бормаганлиги аниқ. Ахир содда йигит изҳорини ун олти килоли тошга уйиб ёзган эди-да. «Қалби қаттиқ қиздан кўра тош яхшироқ», деб йигитни оқлашингиз мумкин. Аммо бу восита

сеvingингизни 2200 йил нарига элтса-да, қизнинг қалбига элтолмайди. Изҳордан мақсад абадийлик эмас, сеvgи эканлигини назарда тутиб, сизга сўнги маслаҳат. Гарчанд, тош бўлса-да муҳаббатингизни инсон қалбига ёзиб қўйинг!!!

Иzzат АХМЕДОВ
тайёрлади

Ушунга қараб кўриб борин. Дўстлар мени боради текшириб кўришганда кейин бош таяққади: - Ҳомиласи қабилалишиб қолган, олов тилиши турмуш эмас.

МУҲАББАТ ПЕШОНАДАГИ ТАҚДИР

Севимли санъаткор Мурод РАЖАБОВ билан суҳбат

-- Мурод ака, актёрлик сиз учун нима?

-- Актёрлик мен учун иш, меҳнат. Агар шулар бўлмаса ҳаётим мазмунсиз. Демакки касбим -- бахтим. Ундан узоқлашим қийин.

-- Биринчи ижро этган ролингиз.

-- Театрдагисини 17 ёшимда ижро этганман. 1974 йил 25 ёшимда эса У. Назаровнинг "Алангали соҳил" фильмида ўйнаганман. Биринчиларини унутиш қийин.

-- Умуман актёрнинг сахна танлашига қандай қарайсиз?

-- Ўзим ҳам сахна танлайман. Танламасангиз бўлмайди. Дурадгор ҳам ёғочни саралаб ишлатади-ку. Роль ҳам материал. У қанчалик яхши бўлса, шунчалик мазмунли чиқади.

-- Қанақа фильмларда ўйнаш сизга маъқул келади?

-- Ички кечинмаларга бойлариди.

-- Ўзингизга ёқмаган роллари ижро этганми-сиз?

-- Йўқ. Умуман роль сизнинг дунёқарашингизга, кўнглингизга мос келиши керак. Энг асосийси табиатингизга. Масалан кўринишингиз жиҳатдан қўпол одам бўлишингиз мумкин, лекин қалбингиз умуман бошқача.

-- Ўзингиз кўнглингизга қарши иш тутасизми?

-- Гоҳида шунга мажбур бўламан. Лекин имкон қадар иложини топишга ҳаракат қиламан. Ахир кўнгилсиз иш кўнгилли бўладими?

-- Муҳаббатни кўнгил иши дейишади.

-- Тўғридир. Муҳаббат бор нарса. Йиллар давомида шаклини ўзгартириш мумкин. Аммо мазмуни бир хилда қолади.

-- Бу сўзнинг, яъни муҳаббатнинг асл маъносини қачон англаб етгансиз?

-- 12 ёшимда. Кичкина эдим, аммо умримда биринчи марта бировга

нисбатан қаттиқ меҳрим борлигини ҳис этганман. Ўша менинг биринчи муҳаббатим, севгим эди.

-- Унинг бошқалардан фарқи нимада?

-- Биринчиси барибир биринчи. Умуман у сизни инсон сифатида уйғотади. Муҳаббат Яратганнинг инъоми. Баъзида бошқа инъомлар қатори унинг ҳам қадрига етмаймиз. Ё вақт ўтганида, ё йўқотиб қўйганимизда ачинамиз.

-- Муҳаббатни асраш сизнингча кимнинг қўлида?

-- Ҳалигача билмайман. Уни сақлаб қолиш кимнинг қўлида, севишганлардами, атрофдагилардами ёки Яратгандами. Ўйлашимча бирга бўлсанг ҳам пешона, ажралсанг ҳам гап ўша пешонадан. Ёшнинг, фикрнинг бу ерда ҳеч алоқаси йўқ.

-- Ўзи севги ёш танлайдими?

-- Инсон қалби ҳамма нарсага мойил. Баъзида ўзингизга ҳайрон қола-

сиз, 3-4 тасини севасиз. Айб эмас. Гап инсоннинг қудратида, кўнглида. Баъзида биринчисидан кўра иккинчисини кучлироқ севишингиз мумкин. Лекин биринчи муҳаббатга таққослаб бўлмайди.

-- Баъзилар севгилимсиз ҳаётимни тасаввур этолмайман дейишади.

-- Қарангда, ерга уруғ экдингиз, кўчат бўлди, уни бошқа ёққа ўтказасиз. Ери бошқа, эгаси бошқа, ўсаверади. Лекин баъзиларини жойини алмаштирамангиз куриб қолади. Ҳаёт ҳам шунақа, кимдир кўникиб яшайди, кимдир эса йўқ.

-- Сизнингча ҳақиқий муҳаббатни сахнада ижро этиш мумкинми?

-- Мумкин. Санъат ҳаётдаги бор нарсани йўққа чиқариши, оддий нарсани илоҳийлаштириши мумкин.

-- Муҳаббат ҳақидаги энг сара асар деб қайси

ўзбек фильмини айта оласиз?

-- Ҳеч қайсисини. Муҳаббат тақдир. Тақдирни тўла очиб берадиган бирорта асаримизни кўрмадим.

-- Мурод ака, ким билан кўпроқ сирлашасиз?

-- Ҳамма билан. Табиатим шунақа. Одамлардан гап яширмайман.

-- "Темир хотин"ларга муносабатингиз?

-- Умуман аёлнинг чиройли, хушчақчақ бўлганини ёқтираман. У ўзини кимлигини унутмаса бўлди.

-- Мурод Ражабовнинг қайси хислатларини қадрайсиз?

-- Қани эди хислат жиҳатдан ҳамма Мурод Ражабга ўхшаса. Дунёда ёмон одам қолмасди.

Суҳбатдош Лайло,
"Туркистон"
мухбири



Буюклар муҳаббати

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридаги пантеон -- буюк инсонлар қабри жойлашган манзилгоҳга кирсангиз қора мрамар билан қопланган ёдгорлик ва унинг ёнида дўппайиб турган митти қабрга кўзингиз тушади. Унинг пойида қишин-ёзин гулларни кўрасиз. Ҳар байрамда эса мрамар атрофи гулзорга айланади. Бу қабр эгаси Нина Чавчавадзени грузинлар хурматлашади. Уни севги, вафога садоқатли аёл сифатида эъзозлашади. Тўйларида ёшларга Нинадек садоқатли бўлиш жасоратини тилашади.

Нина грузинларнинг буюк шоири Илья Чавчавадзе оиласида туғилган. Александр Сергеевич Грибоедов Ильянинг яқин дўсти эди. Александр бу хонадонда ўзини эмин-эркин сезар, янги асарларининг маслаҳатини шу ерда қилар, оилада янги машқлари ҳақида айтилган ҳар бир сўзни жон қулоғи билан тингларди. Александр Сергеевич айниқса, Ильянинг кизи



ГРИБОЕДОВНИНГ ВАФОДОР БЕВАСИ

дан аввалига гангиб қолди. Ҳомиласи нобуд бўлди. Унга не-не зодагонлар, олиму фузалолар ошиқ бўлиб, турмушга чиқишини илтимос қилди. Бироқ у Грибоедовга содиқ қолди. Эридан сўнг яна ўттиз йил танҳоликда яшади ва 1859 йилда вабога чалиниб вафот этди.

Грузинлар севikli севги малагини пантеонга дафн этдилар.

Нинани ўзгача меҳр билан ёқтирарди. Гоҳида уни тиззасига олиб ўтириб, эртаклар сўзлаб берар, сочларини меҳр билан силаб ардоқларди.

Нина гўзал қиз бўлиб бўйи етди. У ўн олти ёшга етганда тақдир экан, ўттиз уч ёшли шоир унга уйланди. Уларнинг ҳаётлари жуда тотли ўтди. Етти-саккиз ой бирга яшашгач, А.Грибоедов русларнинг Техрондаги элчихонасига элчи этиб тайинланди. "Ақллилик балоси" драмаси ва бошқа кўплаб

асарлар муаллифи ҳижрон дамларини жуда қийинчилик билан ўтказди. У кечакундуз гўзал, сарвиқомат Нинани ўйлар, унга атаб асарлар ижод қилар эди. Шундай кунларнинг бирида 1829 йилда эронликларнинг қора кучлари рус элчихонасига хужум қилди. А. Грибоедов бу курулли тўқнашувда ҳалок бўлди.

Нина тақдирнинг бу мудҳиш зарбаси-



Ишқ аҳлига элоқақур Ўвайсий-ю, Нодира ҳам.
М. ЖУРАЕВ чизган сурат



“...Яқинда ойнаи жаҳон орқали “Юнкор” номли комедия намойиш этилди. Бош ролни ижро этган Арнолд Шварцнеггер гўёки сунъий тарзда ҳомиладор бўлиши-ю, бола туғишини кўриб, кулавериб ичакларим узилди. Аммо шифокор дўстим эркакларда ҳам бачадон бўлиши мумкинлигини айтганда, мутлақо ҳайрон қолдим. Наҳотки, бу рост бўлса?
БАҲОДИР».

Дарҳақиқат, эркакларда ҳам бачадон деб аталмиш аъзо мавжуд. Келинг, яхшиси эркаклар ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган эр бачадончаси жойлашган ҳудуд ва унинг дардлари хусусида мукамалроқ тўхталайлик. Эркак пешоб чиқарувчи канали орт қисми, яъни, простатик бўлимнинг орқа деворида узунлиги 9 мм, баландлиги 3-4 мм, эни 3мм бўлган аъзо — уруғ дўмбоқчаси жойлашган. Ана шу аъзодан мутлоқ айрича тасаввур этиш

”БАЧАДОНЛИ

ЭРКАК”

БЎЛАДИМИ?

Ёшлар хасталиклари шифокори

Ўктам Муҳаммад МУРОД

пайтларда дўмбоқчанинг яллиғланиши яъни калликулит дарди ёшлар орасида жуда ҳам кўп учрамоқда. Бу касалликнинг сабаблари жуда ҳам кўп бўлиб, улардан қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш мумкин:


— зиноий касалликларга йўлиққанда ўз билганича пала-партиш даволаниш;

— пешоб чиқарувчи канали, простата беши каби қўшни аъзолардаги яллиғлинишининг уруғ дўмбоқчасига ўтиши;

Уруғ дўмбоқчаси яллағланиши яъни калликулит дардида қуйидаги белгилар кўпроқ кузатилади:

— чотда нохуш туйғу ва гашга тегувчи оғриқ бўлиб туриши;

— орқа тешикнинг ич томонида гўёки



мумкин бўлмаган эркак бачадончаси уруғ дўмбоқчасининг марказида мюллер каналчалари рудиментлари сифатида жойлашган. Эркакнинг бу митти аъзосининг узунлиги бор-йўғи 8-10 мм.ни ташкил этади. Бачадонча марказида простата беши ичига гўёки кириб борувчи тирқиш мавжуд бўлиб, унинг катталиги 4-6 мм бўлган бўшлиққа айланади. Бу бўшлиқнинг ост қисмига ёки ундан сал пастроққа уруғ отувчи каналлар тирқишчала-ри бир жуфт бўлиб очилади. Уруғ дўмбоқчаларининг ён томонларига эса простата безидан чиқувчи ҳар икки томондан 10-12 нафардан найчалар очилади.

Умуман эр бачадончаси жойлашган уруғ дўмбоқчасининг аҳамияти нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Сўнги вақтларда эркаклар орасида энг кўп учрайдиган жинсий аъзо хасталикларидан бири уруғ дўмбоқчасининг яллағланиши яъни калликулит дардидир. Охирги

ЧИМИЛДИҚ БЎСАҒАСИДАГИЛАРГА

Пайғамбаримиз МУҲАММАД (С.А.В.)шундай деганлар:

— Оила қурмоқ менинг суннатимдир. Суннатдан юз ўтирган мендан юз ўтирган-дир.

— Никоҳ менинг суннатимдир. Шу босидан менинг ахлоқимни севган, менинг суннатимни суннат қилсин.

— Оила қуришга, кўлайингизлар.

— Фақирликдан қўриқиб оила қуришни тарк этиш биздан эмасдир.

— Қудрат соҳиби бўлган ҳар бир киши оила курсин.

— Сиздан ким нафақа беришга (ёки жимога) қодир бўлса оила курсин. Чунки оила қуриш кўзни харомдан жуда яхши асрар. Фаржни

янада (ишончли тарзда) асрар. Кучи нафақа беришга етмайдиган кимса эса, рўза тутсин, зеро, у шаҳватни жиловлайди.

Дарҳақиқат, дини исломимиз Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлишликнинг бир йўли имкон қадар бахтли оила қуришликдан иборатлигини таъкидлайди. Зеро, ҳозирги ойнаи жаҳонни эгаллаган шайтоний лавҳалар, бебоғушлар, имкон қадар кечроқ оила қуришни ёки никоҳсиз яшашни тавсия этувчи фарбликлар ҳаёт тарзининг қанчадан-қанча жирканч хижатларини ўзимизга юқтиришидан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Айтилганки, уйланганининг уйланмагандан устунлиги, ҳаракатчаннинг дангасадан устунлиги кабилар. Уйланганининг бир ракат намози, уйланмаганининг етмиш ракат намозидан устундир.

“Муслимон эрнинг аёли олдидаги вазифалари” асарида кўлаб ибратли ривоятлар ва Ҳадислар келтирилган. Сарвари олам шун-

дай марҳамат қиладилар: “Эй умматим, никоҳлангинг, чунки бир куннинг никоҳи, бир йиллик нафл ибодатдан хайрлидир. Эй умматим, сизлардан бирингиз уйланганингизда шайтон шерикларига шундай бақиради: “Бу одам диннинг икки бўлагини мендан ҳимоя қилиб қолди”. Уйлансанг ўзингга оталик, уйланажак қизга эса оналик шарафини бахш этган бўласан.

Пайғамбаримиз уйланишда диёнатли аёлни танлашни тавсия этганлар. Ҳозирги исломий олимларимиз уйландувчи йигитларга “етти ўлчаб, бир кесиш”ни, яъни қуйидагиларни тавсия этишади:

— арзимаган нарсага нолиб оҳ-воҳ қиладиган;

— қилган хизматини миннат этадиган;

— бегона эркакларга, кўз учидан бўлса ҳам, шаҳват билан қарайдиган;

— ташқарида безаниб-тараниб, ичкарида бифаросатлик билан кийинадиган;

— сенга итоат қилмайдиган, кибрли, кўпол қизларни асло жуфтликка танламаслик жоиздир.


Пайғамбаримиз қуйидаги Ҳадисларини қалб чигиригидан ўтказиб уқмоқлик зарурдир:

— Бегона хотиннинг юзига қараш шайтоннинг ўқларидан биридир. Кимки кўзини харомдан сақласа, Оллоҳ таоло унга ибодат лаззатини тоттиради.

— Бегона хотинга қараганингда қаттиқ тикилма.

— Эй умматим! Кўзингизни харомдан сақланг. Харом нарса қалбга шаҳват олиб киради.

— Бир марта қилинган зино, етмиш йиллик амални бузади.



бирор нарса бордай туюлиши;

— пешобнинг биринчи чиққан қисмини ҳамда простата беши суюқлиги таркибида қон аралашмаси суюқлиги пайдо бўлиши;

— касалликнинг ўта ривожланган босқичида шаҳватнинг ҳам қон аралаш келиши;

— касаллик асоратланганда жинсан тўла қўзғалмас-даноқ уруғнинг чиқиб кетиши;

— уруғ чиқилишининг оғриқ билан келиши шулар жумласидандир.

Шу касалликларга йўлиқмаслик учун ёшларга қандай тавсиялар бермоқлик жоиз бўлади?

Юқорида касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни таъкидлаб ўтдик. Уша сабаблардан тегишли хулосалар чиқарсангиз, асло дардман бўлмайсиз. Шунингдек, айтиб ўтилган аломатларни ўзингизда сезсангиз дарҳол мутахассис шифокор — андрологга мурожаат қилиш зарур.



ЯПОНЛАРДА ИРИМ ЙЎҚ

- дейди муаллим Сенсей Такахаси Сиуци.

— Сиуци Такахаси жаноблари, японлар учун неча ёш балоғат ёши ҳисобланади?

— Бизда балоғат ёши қонун буйича 20 ёш ҳисобланади, чунки бу ёшгача улар компьютер ўрганишади, бир касб-хунар устаси бўлиб етишишади. Японияликлар 30 ёш атрофида, узоқ синовлардан сўнг турмуш қуради. Бу синовлар асосан илм олиш, ҳаётнинг турли зарбаларига тайёр туришдан иборат.

— Турмушга чиқиш, уйланиш бошқа миллатларникидан фарқ қиладими?

— Албатта, фарқ қилади. Яъни, япон қизларини 30 ёшда турмушга чиқариш одат тусига кирган.

— Японияликларнинг никоҳ оқшомидagi ўзига хос удуми?

— Никоҳ маросими кечаси бизнинг одатимизга биноан бир пиёладаги ароқдан аввал куёв, сўнгра келин ичади. Бизнинг тўйимиз худди байрам сингари турли рангдаги байроқлар билан безатиладиган ҳолда ўтади.

— Ўзига хос иримлари борми?

— Бизда ирим йўқ, нима, сизларда борми?

— Ўзбекларда ирим бор, масалан: куёв келиннинг чимилдиққа киришидан олдин оёғини босиши. Ким биринчи бўлиб босса ўша ҳаётда устун бўлади, деган ирим мавжуд. (Такахаси Сиуци кулди).

— Қизиқ, шунга ишонасизми?

— Ҳа, ишонаман. Келиннинг оёғини биринчи бўлиб босаман, деган умиддаман. Энди саволга

келсак, сизларда ота-она истаги устунми ёки севги-муҳаббат?

— Бизда олдинлари ота-она хоҳиши устун бўлган, ҳозирда замонавий Япония ёшлари севиб-севилиб турмуш қурадилар.

— Никоҳ ўқитиш қай тартибда бўлади?

— Япония аҳолисининг кўп

қисми Буддизм динига эътиқод қилади, озчилиги эса Христиан динига. Шунинг учун аҳолининг асосий қисми Синтоизм ибодатхоналарида, озчилиги ташкил этувчи аҳоли эса черковларда никоҳ ўқитишади.

— Ажралишлар сабаблари?

— Ажралишларнинг асосий сабаблари бизда иш билан бўлиб, асосан уйга кеч қайтишдан келиб чиқади. Узоқ муддат бир-бирларини кўрмаганликлари сабабли эр-хотин ўртасидаги севги йўқолади ва бу ажралишга олиб келади.

— Қайнона-қайнотанинг келин билан муносабатлари Японияда қандай?

— Бизда қайнона-қайнотанинг келин билан муносабатлари унчалар мақтарли эмас, шу сабабли кўп ёшлар алоҳида яшашни афзал кўради.

— Тўйга кимлар таклиф қилинади?

— Тўй оқшомига келин ва куёвнинг яқин дўстлари, қариндошлари, ишхонасидаги бошлиқлари таклиф этилади.

— Японча никоҳнинг эса қоларли тантаналари?

— Эса қоларлиси, бу кўп жойларда Гавай оролларида саёҳат ҳисобланади. Ёшлар Гавай оролларида ташқари Франция ва Америкада ҳам саёҳат қилишади...

Наврўз ЭРГАШ
сўхбатлашди



10 минг сўмдан бўлса ҳам ташлайман. Пул беролмас, "гап" да нима қилади?

Ана шундан сўнг мен ўзимни тута олмайман, туриб чиқиб кетдим. Тунукун шуларни уйлаб, уйимга етолмайман.

Шаҳарлик танишимнинг сўзлари меннинг ҳам қалбимдаги жароҳатларга туз сепди. Ҳозирги пайтда шаҳардагина эмас, балки туманларда, қишлоқларда ҳам "гап" уйнаш авж олиб кетган. Тўғри, "гап" ташкил этиш жамалак ўртоқларни янада жипслаштиради.

Яна бир ошман айтиб берган воқеа ҳам дилимга оғир ботди, юрагимда бир нима "шиғ" этди. Бундай "гап" сўзлари билан нисбатан яна сўзлар айтгим келди.

— Бир кун "гап" да бўлдим, - деб қолди ошман. - Хона сигарет тутунига, спиртли ичимликлар ҳидига тўлиб кетганидан ташқарига чиқдим. Тоза ҳавода турган эдим, 2-3 нафар болаларга кўзим тушди. Уларнинг юз-кўзлари совуқдан кўкариб кетган, кийимлари юпун. Оёқларида туфли, калити. Болалар дўстимизнинг фарзандлари экан. Уйларига разм солдим. Икки уй, олди айвон, лекин табиий газ келмаган. Деворлар қорасувоқ, томининг ярмига шифери қоқилмаган. Уйда эса бошқа манзара. Дастурхон куюк безатиладиган. Эр-хотин фарзандларининг ризқини қийиб, анчагина ҳаражат қилишган кўринади. Лекин, бу сарф рўзгорнинг 2-3 ой белини букиб қўйиши билан ҳисоблашмаган. Аминманки, эртага эр ёки хотин отанасиникига бориб, нон учун нафақа пулидан сўраб олиб келади.

Ошман сўзлаб берган бу воқеадан янада таъсирландим. Синфдошлар нима учун тўпланди йиғилишади? Сўхбатлашиб ўтириш, ҳол сўраш, ёрдам керак бўлса кўмак бериш учун эмасми? Шундай бўлганда, бир пиёла чой устидан ҳам бир-биридан ҳол сўраш мумкин, деб ўйлайман. Ахир ҳақиқий дўстлик дастурхон, зиёфат билан улчанмайди-ку!

Рустам МУҲАММАД,
журналист

ИЖОДКОРЛАРГА ТИЛАК

Салом ҳурматли "Чимилдиқ" ижодкорлари

Доимий муҳлисинчилик сифатида сизга кўпчилик тенгдошларим номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. "Чимилдиқ" саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган ёшларнинг ота-онасига, ҳатто яқин дўғонасига айтолмаган муаммолари, шифокорлар маслаҳатлари, биз ёшларга жуда асқотади. Айниқса энди балоғат ёшига етаётган қизларнинг тарбиялашда сиз ота-оналарга жуда катта ёрдам бера-ялсиз.

Иловангизда кўпроқ ёшлар ҳаётига оид, ҳаётда учрайдиган қизиқ воқеалар, турмушда содир бўладиган, яъни биз енгил ўйлайдиган бу ҳаётнинг мураккаб томонларини ҳам мунтазам ёритиб боришингизни сўрайман. Айниқса, ҳаётни енгил тушуниб, уни фақат иш-шодон қўллардан иборат деб ўйлаган, ўзлигини йўқотиб, ўзгалар қўлида кўгирчоқ бўлган тенгдошларимизнинг бу каби ҳаракатлари бизни лол қолдирмоқда. Биз ана шулардан хулосалар чиқариш учун сизнинг газетангиздаги шу каби мазмундаги мақолаларнинг кўпайишини тилаб қоламиз.

Нилуфар
Тошкент шаҳар,
А. ИКРОМОВ тумани

БОЛА ҚАЛБИ БЕҒУБОР

Табиат ҳамма инсонларга яхши фазилат адо этади, лекин уни ҳар ким ўз жисмида мукаммал мужассамлаштира оладими? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Сабаби, инсон кўп ҳолларда ўз камчиликларини тезда сезмаслик хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам баъзан бу "касал улғайиб", охири аҳволи "вой" бўлиши мумкин.

... Инобатхон деразадан ташқарига қаради. Қаради-ю, гулзор четида ўйнаб ўтирган ўғли Ўлмасжон билан Шавкатни кўриб, алланечук бўлиб кетди.

— Ана холос, дарров апоқ-чапоқ бўлиб, олшибди-ку, - Инобатхон бир нарсадан уялиб қизариб кетди.

Кеча Инобатхон аллақандай иш билан машғул эди, ташқаридан бола йигиси эшитилди. Ўлмасжон билан Шавкат ёқалашапти. Шавкатнинг онаси - Дилбархон уларни ажратиш билан овора. Инобатхон уйдан отилиб чиқиб, уларнинг ёнига борди, суриштирмай-нетмай Шавкатни уришиб кетди:

— Безори, сенинг дастингдан боламга кун борми, йўқми? Дилбархон ҳайрон қолди. Ахир қўшнигина эмас, яқин дўғонаси бўлган киши. Шавкатни шундай ҳақорат қилса?!

— Инобатхон, сизга нима бўлди? Ўзингизни босинг, - деди Дилбархон ётигича. - Иккови ҳам бола, бироздан кейин ярашиб олишади.

— Куйинг-э, - деди Инобат унга ўшқириб, - менга насиҳат қилгунча, болангизга тарбия беринг!

Дилбархон ҳеч нима демасдан ўғлини етаклаганча уйга кириб кетди. Онасининг ҳимоясидан дадил тортган Ўлмасжон эса йиғлаб туриб, Шавкатни қоралай кетди, кейин гапнинг орасида Дилбар хола мени урдилар, деб ёлғон гапирди.

Инобатхон ўғлининг ёлғон гапирётганини билиб турса ҳам: — Улар шунақа зўравон. Энди у ахлоқсиз билан ўйнама, сени ҳам безори қилади, - деди.

Шу кун Инобатхон ўғлини кечгача уйдан чиқармади. Ўлмас уйда диққинафас бўлиб роса зерикди.

Мана, энди улар ярашиб, яна аввалгидек ўйнаб-кулиб ўтиришибди. Бу ўртада Инобатхоннинг Дилбархонга айтган паст-баланд гапи кўнгилни хира қилиб қўйди. Инобатхон энди дўғонасининг юзига қандай қарайди? Шунга айтидилар-да: "Сўз яхши-- олтинга, ёмони эса заҳарга айланади", деб. Уйламай айтилган таъна сўзлари икки ўртоқ орасида чуқур жарлик пайдо қилди...

Кумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори.

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН"
ГАЗЕТАСИНING
ИЛОВАСИ

ШОБА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, БЕКТЕМИР,
ЗИЁДА, ШАХНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР



"ГАП" ДАДА ТАНЛАР

Яқинда Наманган шаҳрилик танишларимдан бирини ноҳуш кайфиятда учратдим. Саломлашгач, сабабини сўрадим.

— Кеча яқинида уйда юрган турганимда ҳам ҳаловат бўлмади, - дея танишим сўз бошлади. - Шанба кун гапда эдим. Анча бўлди, синфдошлар "гап" уйнашимиз. Мен янги томорқа ташвишлари билан уларга қўшилишмай юрган эдим. Лекин бир-иккита "оғзи полвон" синфдошлар гапирвергач, яна қўшилдим. Илгари қачон "гап" кунни келаркин, деб орзиқиб кутардим, дўстлар сўхбатига ташналик сезардим. Лекин ҳозир даврага киришим билан йилдан йилга ўзгариб кетаётган дўстларимни таниёлмай қолаётиман. Кечагина оилавий ташвишларини тўкиб соладиган баъзилари бутун давра тўрида, ҳеч кимга сўз навбати бермайдилар.

Шанба кун Воҳид деган ўртоғимизникида эдик. Ун нафардан ортиқмиш. Улар ичида олий маълумотлилари ҳам, қосиб ва сарта-рошлари ҳам ўтиришибди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳалиги савилдан ҳам сероб. Овқат тайёр бўлгунча нафси халак отганлари анчагина жингдонларига уриб олишди. Шундан сўнг сўхбатлашиб ўтиришса майли, бир-бирларига навбат бермай мақтана кетишади. Кеча Тошкентга бир бориб келишда 15 минг сўм нақд қолди, деди бири. Ҳозир ҳаммаларининг микрорайондаги "дом" имга олиб бораман, ванна-душ қилиб чиқасизлар, деса, яна бири хорижнинг қайсидир шаҳридан олиб келган маҳсулотини беш баробарига пуллаганини мақтаниб сўзлади.

— Келгуси ой кимнинг навбати бўлса, 3 минг сўмдан пул йиғамиз, - таклиф қилди улардан бири. - Битта телевизор келар экан.

— Э ошна, 3 минг пулни, - деди яна бири. - 6 килограмм гўшт бераркан, 5 минг сўмдан йиғиб, ДЭУ магнитофони олиб берамиз.

Мен уларнинг пойинтар-сойинтар сўзларини аранг тинглаб ўтирибман. Наҳотки пул бу собиқ синфдошларимизни шунчалик ўзгартириб юборди. Ахир беш қўл баробар эмас-ку? "Гап" да ўтирганлар ичида бош айтганимдек, ноҳорлари, ҳатто касаллиги туфайли нафақага чиққан дўстимиз ҳам бор. Улар шунча пулни қаердан топади? Ҳозирги "замонавий бойваччалар" қарз берса фоизи билан қайтарасан, деб шарт қўядиганлар ҳилдан.

— Қўл-оёғимиз бутун, пул "море" бўлади. Тўғри, Қобил, Аҳалда пул йўқ. "Гап" га пули бор келади. Мен

"...Биз оилада 4 нафар қизимиз. Отам онамнинг енгилтаклиги ва суюқоёқлиги туфайли 1976 йилда қонуний равишда ажралишган.

Суд мен ва синглим Дилфузани отамга, сингилларим Шоира ва Лайлони онамга ажрим қилиб берди. Шунга қарамасдан, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас онам сингилларимни отамга ташлаб кетди.

Мен оилада катта фарзанд бўлганим учун онамни эс-эс биламан. Сингилларим эса онамни эслай олишмайди. Чунки, ушандан кейин онамни қайтиб умуман кўрмадик. Тўртта қизнинг ташвишу-тарбияси, ундан ҳам оғири, онам отамнинг кўзи олдида бегона эркаклар билан юриши,

тўйларда ўйинчиллик қилишлари отамнинг соғлигига катта таъсир қилди. Шунча дардни ичига солган отам юрак касалига дучор бўлди ва 38 ёшида вафот этди.

Биз эса отаси ўлиб, онаси ташлаб кетган шўрлик етимчаларга, бошқа рўзгорда кунига икки марта қозон қайнаса, бизнинг уйда икки кунда бир марта қозон осиларди. Бувим эса ойда оладиган пенсия пули билан, бизни ҳам едириб, ҳам кийдиришга ҳаракат қиларди. Ҳаммасидан ёмони, кўчага чиқсак, одамлар бизни онаси бузуқ, деб қўллари билан кўрсатишарди. Қизларини биз билан бирга юришга қўйишмасди. Ана шу иснодларни кўтара олмаган синглим Шоира 19 ёшида оламдан кўз юмди. Лайло эса уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолди. Бу қийинчиликлар, етишимовчиликлар меннинг соғлигимга

катта таъсир қилиб, сил касалига чалиндим. 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.

Мен турмушга чиқдим, икки нафар фарзандим бор.

Якка ёлғиз синглим Дилфуза эса тижорат билан шуғулланиб анчагина иқтисодимизни тикладик. Ҳаётимиз энди яхшиланаётган пайтда бошимизга тақдирнинг оғир зарбаси тушди. Синглим Дилфуза 1998 йил 28 ноябрь кун номаълум шахслар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Мен энди ёлғиз қолдим. Ўз жигарғушаларимдан дийдорсиз айрилдим. Энди эса она деб аталмиш аёл орадан 23 йил ўтиб, бизни "эслаб" қолибдилар. Синглимнинг мол-мулкига онасиман деб, эгаллик қилмоқчи.

Биз э аллақачон онамизни юрагимиздан олиб ташлаганимиз. Бугун эса онам бизнинг қалбимиздаги меҳрга эмас, мол-мулкимизга эгаллик қилмоқчи..."

Ҳа, яхши ёки ёмон фарзанд ҳақида эшитганимиз, аммо она ҳақида кўрмаганимиз ёки кўришни хоҳламаганимиз. Онанинг бу ҳаракатини қандай баҳолайлик. Зеро, баҳолашга қодирмизми?

Армон... Аёлнинг изтироблари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Онанинг шафқатсиз ва бераҳмлигига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай наҳот билан термулган аёлга қандай ҳукм чиқарилади. Буниси сизга боғлиқ, азиз ўқувчи. Зеро, инсон йўқлик ҳукми остида яшайди. Шундай экан, бу ҳукм адолатли бўлмоғи керак.

Зиёда АШУРОВА,
"Туркистон" муҳбири

ҲАММАСИГА ОНА САБАБЧИ

(ёхуд ногирон фарзанднинг изтироблари...)

Раҳматулло ОРТИҚОВ, 1977 йилда туғилган. Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, "Ғаллакор" жамоа хўжалигида яшайди, маълумоти ўрта, вақтинча ишламайди, "Ҳезби-тахрир" аъзоси.

-- Мен ўтган йили Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириш учун ҳужжатларни топширган эдим, лекин старли балл тўплай олмаганлигим учун кира олмадим. Отанамга оғирлигим тушмасин, деган

БИЗНИ

мақсадда уч-тўрт сўм пул ишлаш учун дурадгорга шогирдликка тушдим. Устозим: эскичани ўрганишни хоҳлайсанми, деб сўраб қолди. Ўзим ҳам ислом динини, намозни чуқурроқ ўрганиш ниятида юрардим, рози бўлдим. Менга "Ислом низоми" деган китоб берди. Кейинроқ мен кириб қолган оқим "Ҳезби-тахрир" деб аталишини тушуниб ета бошладим. Анча вақт иккиланиб, чўчиб юрдим. Президентимизнинг менга ўхшаган алданган ёшларга қарата айтган сўзлари далда бўлди ва айбимга иқроор бўлиб, отам билан бирга ҳуқуқ-тартибот идорасига келдим.

Ўзим қатори чалғиган, адашиб турли экстремистик диний оқимларга қўшилиб қолган ёшларга қаратиб айтмоқчиман, вақтни ўтказмасдан келиб ўз айбларини бўйинларига олишсин, ҳукумат кечиради.

Зокир ОДИЛОВ, 1965 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида яшайди, "Ҳезби-тахрир" аъзоси.

-- Ислом динини, намоз ўқишларни чуқурроқ ўрганаман деб, масжидга қатнаб юрдим. Жалолиддин Ҳайдаров деган бир ҳамқишлоғим менга ёрдам беришини айтди. Менга ўхшаган яна уч-тўрт ёш йигитлар тўпланиб, дарс ола бошладик. Жалолиддин аввал дин ҳақида умумий гаплар билан маърузалар қилди. Кейин бизга "Ислом низоми" китобини тарқатди. Бу китобни энди ўқий бошлаган эдик. Китобнинг бошида дин бўйича умумий фикрлар берилган. Кейинроғида эса давлат тузумига қарши даъватлар бор экан.

Февралда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, телевидорда кўрганларимиз, одамлардан эшитганларимиз туртки бўлиб, қайси йўлга кириб қолганлигимизга ақлимиз ета бошлади. Ўзим бошим гаранг бўлиб, нима қиларимни билмай юргандим. Юртбошимизнинг сўзларидан кейин ҳуқуқ-тартибот идораларига "Ҳезби-тахрир" оқимига билмай қўшилиб қолганлигимни айтиб, ариза билан келдим.

Мирзақосим ака ОДИЛОВ, Зокир Одиловнинг отаси:

-- Мен умрим бўйи ўқитувчилик қилганман, болалар тарбияси билан шуғуланганман. Бундан бир-икки йил аввал ўғлим динга қизиқиб, намоз ўқишни ўргана бошлаганди. Дин ҳам тарбиянинг бир йўли-ку, яхши йўлга бошқаради, одоби, ички дунёси яхшиланади, деган фикр билан розилик берувдим. Ўзим диндаги ҳар хил оқимларнинг моҳиятини яхши тушунмасдим, улар бунчалик ёмон йўлларга бошлаши мумкинлигини билмасдим. Тошкентда 16 февралда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ўйланиб қолдим ва ўғлимни тергай бошладим. Билдимки, ўғлим ўша вақтлардан бери адашиб "Ҳезби-тахрир" оқимига қўшилиб қолган экан. Ҳурматли Президентимиз, бошқа раҳбарлар чалғиган, адашиб, турли экстремистик диний оқимларга эргашган ёшлар ўз айбларига иқроор бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишса, кечирамиз, биз-

нинг ҳалқимиз кечиримли, деб айтганларидан сўнг ўғлимни етаклаб келдим.

"Ҳезби-тахрир", "вахҳобий" каби оқимлар умуман бизнинг анъаналаримизга, сиёсий тузумимизга тўғри келмайдиган нарса экан. Бу йўлдан кетадиган бўлсақ, бошимиз жанжал ва урушдан чиқмайди. Қўшни давлатлардаги аҳволни ўзимиз кўриб турибмиз.

Ўзим шунча йилдан бери халқимизга садоқат билан хизмат қилдим, фарзандларим ҳам тўғри йўлдан юриши, халқимизга содиқ бўлиши керак.

Рустам Нуралиев, 1973 йилда туғилган.

Сирдарё тумани, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилади, "Ҳезби-тахрир" аъзоси.

-- Ҳамқишлоғим Жалолиддин Ҳайдаров динни, намоз ўқишни ўргатаман, деганди. Халқда тўрт киши



эдик. Бизга ҳали айтилмаган бўлсада, суҳбатлардан биз ҳам кейинчалик худди шундай халқа тузиб, ўқитишимиз керак бўлишини билган эдик. Бизга "Ислом низоми" китоби тарқатилди, унда давлат тузумига

КЕЧИРИНГЛАР

қарши чиқиш, халифалик тузумини ўрнатиш ҳақида ёзилганди. Нотўғри йўлга кириб қолганимни тушуниб етдим. Авваллари чўчиб юрдим, кейин ўз ихтиёрим билан ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларига келиб учрашдим, "Ислом низоми" китобини топшириб, ўз айбимга иқроор бўлдим. Мени кечиринди. Энди бундай номаъқул йўлларга кирмайман.

Содир ХОЛДОРОВ, 1963 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Охунбобоев жамоа хўжалигида яшайди. Сирдарё тумани рефрежератор депоси ишчиси, "Ҳезби-тахрир" аъзоси.

-- Намоз ўқишни ўрганаман деб "Ҳезби-тахрир" гуруҳига қўшилиб қолганман. 16 февралда бўлган воқеалардан сўнг иккиланиб қолдим. Чунки бизга берилган "Ислом низоми" китобида ҳам ҳукумат сиёсатига, давлат бошқарув органларига қарши даъватлар, халифалик билан бошқариладиган ислом давлати тузиш ҳақида гап борар эди. Китобчани ўшандаёқ ёқиб юбордим. Президентимизнинг сўзларидан сўнг, ўз айбимни бўйнимга олиб келдим ва мени кечиринди. Мен каби нотўғри йўлдан юрган, шу йўлга кириши мумкин бўлган ёшларга қаратиб айтмоқчиман, ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак. Дин ўрганмоқчи бўлишса, ҳар кимга эргашавермасдан, ота-оналарига, билимли кишиларга масалаҳат солишсин.

БИЛМАЙИН БОВДИМ ТИКОВНИ...

Иқроор

Бу мақол дастлаб ҳаётда катта гуноҳга қўл уриб, кейин қилмишига пушаймон бўлган кимса томонидан айтилган бўлса ажабмас.

Биз ўзлари билиб-билмай "вахҳобий" деган номни олган, муридлари қандай қабих ниятларни кўзлаганлигидан хабар топишгач эса йўлдан қайтган, ички ишлар бўлимига бориб, хато йўлга кириб қолишганини рўй-рост тан олган — тавба қилган йигитлар **Мирзоҳид Ҳамидов ва Фахриддин Нуриддиновлар билан учрашишга борарканмиз, шу фикр хаёлимдан кечди.**

жидда намоз ўқиб юрдим. Ҳамма ёмон одатларимдан кутулиб, ўзимни енгил ҳис қилдим. Динга ихлосим ортди. Шу кезларда Чуқурсойдаги масжидда намозни мукамал ўргатишаркан, деган гапларни эшитиб, у ерга бордим, маърузалар тингладим. Масжиддаги муллаларнинг қандай мақсадлари ни кўзлаганлигидан, очиги, хабарим йўқ эди. Кейинчалик маҳалла кексалари, ота-оналаримиз уларни ваҳҳобийлар эканликларини, бу оқим бизнинг мазҳабимизга тўғри келмаслигини айтишди. Шундагина уларнинг намозни бошқача ўқишлари, маърузаларда

ақидапарастларга ҳос фикрлар билдирилиши сабабларини англаб етдим ва у ерга бормай қўйдим.

Фахриддин Нуриддинов, 34 ёшда:

— Мен Чуқурсойдаги масжидга дастлаб намоз ўқишни ўрганиш учун борганман. Чунки у ерда намознинг биз билмаган жиҳатларини ҳам ўргатишади, деб тарғиб қилиб юрувчилар бор эди. Аввалига диний амаллар ҳақида маърузалар ўқишарди, кейинчалик сиёсат ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлишди. Бир сафар, агар давлат чиқарган қонунлар Қуръонга тўғри келмаса, унга бўйсунмаслик керак, дейишгани эсимда. Мана шунга ўхшаш гапларни эшитганимдан сўнг уларнинг бизни тўғри йўлга бошлаётганлигига шубҳа билан қарай бошладим. Отам ҳам намозхон. Лекин бирор марта ҳам Чуқурсойдаги масжидга бормаган. У киши менга ҳам у ерга бормасликни масаҳат берди. Мен отамнинг сўзларига кулоқ солиб, бу йўлдан қайтдим. Президентимизнинг телевидение орқали айтган сўзларидан кейин эса ички ишлар бўлимига бориб, беихтиёр ақидапарастларга қўшилиб қолганимни, эндиликда бу йўлнинг нотўғрилигини тушуниб еганимни билдирдим.

**Жалолиддин ТҲУТАШЕВ,
"Туркистон" муҳбири**

— Аслида ҳаммаси Чуқурсойдаги масжиддан бошланди, — дейди "Аҳил" маҳалласи участка катта нозир, милиция капитани Собир Шарипов. — Ҳатто давлат рўйхатидан ҳам ўтказилмаган бу масжидда Тўлқин қори деган киши имом эди. У аввалига ёшлар ўртасида тарғибот ишларига зўр берган. Уларни айнан ўзи имомлик қилаётган масжидга бориб намоз ўқишга даъват этган. Очиги, бошида биз ҳам бу кимсанинг асл нияти нима эканлигидан беҳабар эдик. Кейинчалик унинг ваҳҳобийлар оқимига мансублиги тўғрисида маълумотлар йиғиб бордик.

Президентимизнинг ўз қилмишларига пушаймон бўлиб, кечирим сўраб келганларни авф этиш ҳақидаги сўзларидан кейин эса маҳалладан 4 нафар йигит ўз ихтиёри билан ички ишлар бўлимига келиб, ўзлари ҳам тўлиқ англаб етмаган ҳолда ақидапарастлар таъсирига тушиб қолишганига иқроор бўлишди.

Мирзоҳид ва Фахриддин билан маҳалла фуқаролар йиғини биносида суҳбатлашдик.

Мирзоҳид Ҳамидов, 25 ёшда:

— Тўғриси айтсам, бошида ичкиликка берилиб кетгандим. Шунда баъзи кишилар намоз ўқисанг ташлаб кетасан, дейишди. Аввалига уйда, кейинчалик маҳалламиздаги мас-

Хор қўшиқлари фестивали

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида «Ассалом, Наврўз» хор қўшиқлари республика фестивали бўлиб ўтди. Анъанавий бу тадбирнинг асосий мақсади мусиқа санъатининг ушбу жанрини ривожлантириш, миллий хор санъатини юксалтириш ҳамда туман, шаҳар танловларида энг яхши уринларни эгаллаган хор жамоаларининг ўзига хос ҳисоботини уюштиришдан иборат эди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахт ва вилоятлардан ўттизга яқин профессионал, ўқув ва ҳаваскор хор жамоалари қатнашди. Мингдан ортиқ санъат шайдосини бирлаштирган бу жамоалар ранг-баранг концерт дастури ва ижро маҳоратини намойиш этди.

Фестивалда гарчи голиблик уринлари белгиланмаган бўлсада, Глиэр номидаги, Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатлари, пойтахтдаги 6-болалар мусиқа мактаби хор жамоалари, Тошкент Давлат университети, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаваскорлари энг намунали эканлиги эътироф этилди.

Б.МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири

Оилавий жамоалар, кўча-кўйда, маҳалла-маҳалла бўлиб футбол ўйнаганлар ҳақида газета-журналлардан кўплаб мақолалар ёзилган. Ҳатто улар ҳақида фильмлар ҳам яратилган. Аммо бир қишлоқда 20 та футбол жамоаси тузилиб, уларнинг таркибида 300 дан кўпроқ бўз йигитлар ва ўрта ёшли кишилар тўп сураётганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Тўғриси, аввалига мен ҳам ишонмадим. Лекин Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номидаги футбол жамоаси билан бўлдим. Бу ерда 17-50 ёшлилардан ташкил топган 20 та футбол жамоаси бор.

Албатта ҳар бир ишнинг, воқеа-ҳодисанинг сабаби бўлади. Бундан беш йил муқаддам шу ерлик Аҳмад деган йигит отаси Қодир бобо хотирасига футбол турнири ўтказиш тўғрисида тенгқурларига гап солади. Бу уларга маъқул тушади. Аҳмад турнирга соврин кўяди. Мусобақа қутилганидан ҳам зиёда ўтиб, қишлоқдошлар футбол жамоалари тузсак қандай бўларкин, деб ҳаракатга тушадилар.

Қишлоқда футболнинг бу қадар ривожланишига яна бир муҳим сабаб бор. Бу ерда спортнинг у ёки бу тури бўйича танилган кишилар кўп. Улар футбол жамоаларини тузиш, турнирлар ўтказиш билан бирга, мусобақаларга ҳакамлик ҳам қилишади.

Футбол жамоаларининг ташкилий кўмитаси, ўз низоми бор. Ҳайъат аъзолари - баобру кишилар. Футбол мусобақалари, тартирлар белгиланган

қатъий тартибда ўтказилади.

Футбол жамоасига аъзо бўлиш ҳам осон эмас. Шартлари қаттиқ. Хоҳиши бор кишидан аввало соғлиги тўғрисида маълумотнома талаб этилади. Низомга бўйсиниш, тартиб-интизомли бўлиш шарт.

Аммо қишлоқ футболчининг ривожланиши, жамоаларнинг туман ва вилоят мусобақаларида қатнашиши йўлида бир талай муаммолар бор.

Қишлоқда 20 та футбол жамоаси тузилиб, ўзларича тўп суришаётганлигини на туман, на вилоят спорт мутасаддилари билишади. Улар ақалли сўз билан ҳам далда бераётгани йўқ. Футбол жамоаларига ҳомийлар, мураббийлар керак. Ахир бугун бўлмаса, эртага улар орасидан катта футболда қатнашиб, мамлакат шарафини ҳимоя қиладиган уста спортчилар етишиб чиқиши мумкин-ку.

Ҳозир қишлоқ футболчиларининг ҳатто ўз стадиони ҳам йўқ. Уйинлар мактаб футбол майдонидан ўтказилади. Алишер Навоий номидаги хўжалик бошқаруви раиси Х.Жўраев стадионга эмас, теннис корти қурилишига ер ажратди. Албатта, турли спорт иншоотлари кўп бўлгани яхши. Аммо хўжакўрсинга қуриб, эртага уни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан нима фойда? Қишлоқларда футболга қизиқиш катта экан, буни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмасми?

Чори ТҲТАЕВ,
ЎЗА мухбири


ТҮРТ ОЁҚЛИ ҚИЗ

Сент-Луис шаҳрида яшовчи Эшли исмли қизнинг оёғи... тўртта эди. Америкада чиқадиган дунё янгиликлари газетаси яқинда унинг фожеали ҳаёти ҳақида мақола босди.

Эшли газетада турмушга чиқмоқчи эканлиги ҳақида эълон берди. Унда жумладан, менга эгалик қиладиган эрга иккала боқиралигимни ҳам ҳаёда этаман, деган сўзни қўшиб қўйди. Дунёнинг турли давлатларидан саккиз мингдан зиёд қайлиқ унга уйланажаклигини изҳор этди. Қиз ватандоши Хьюстон шаҳрилик Уэйнни танлади. Шу йил бошида бўлиб ўтган тўйдан сўнг улар асал ойини ўтказиш учун Маттерхорнга йўл олишди. Орадан ўн кун ўтгач, тўрт оёқли қиз ҳалокатга учради. Соатига қарийб 60 чақирим тезликда чанғида учиб кетаётган қиз дарахтга урилиб кетди.

ЎПИШИШ ЖОЙИ

Оксфорд университетиде талабалар ўртасида ўпишиш жуда кўнаиб кетди. Кутубхонада, аудиторияда, ҳатто ошхонага навбатда турган пайтда ҳам қиз ва йигитлар ҳеч тортирмай узоқ ўпишишар экан. Бу ўқитувчилару айрим талабаларга унчалик хуш келмади. Уларнинг талабига кўра, университет маъмурияти талабаларни фақат махсус жойларда ўпишишларини назорат қилувчи позирлар тайинлади. Олийгоҳ биноси энди икки ҳудудга бўлинаркан: ўпишиш мумкин бўлган ва маън этилган жой.



"Баҳор ташвишлари". Сураткаш: З. ҲАЙДАРОВ

Инсоният тарихида энг бой одам Ассирни Ашшурбанипал исмли шох эди. У ўздан 5 миллион тонадан зиёд олтин қолдириб, эраминдан аввалги 631 йилда вафот этган. Бу бойлик ўзимизнинг давр пулига чаксак, 1566 миллиард долларни ташкил қилади. Ассирни XX аср охирида яшаганида бу пулга нима сотиб олган бўларди. Шуниси бизга қизиқ.

ТАЛАБАЛАР НОЧОП

Германия дунёнинг бой мамлакатларидан ҳисобланади. Аммо талабаларини боқа олмас экан. Талабаларнинг атиги 17 фоизи давлат стипендияси билан таъминланган. 344 та олий ўқув юртларида таълим олаётган 1,81 миллион нафар ёшларнинг ўндан бир қисми дарсдан бўш вақтларида бирор иш билан шуғулланиб, рўзгорга ёрдамлашади. Шундай бўлгач, даромади ўртача бўлган ҳар юз оила ёшларидан 8 нафаригина олий ўқув юртларида ўқий олади. Бироқ давлат идораларида юқори лавозимларда ишловчи хизматчилар фарзандларининг 72 фоизи талаба экан.

Хориж матбуотидан

Футбол

Яна бир галаба

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтадиган олимпия уйинлари саралаш турнирининг иккинчи турида ҳам галабага эришди. Футболчиларимиз бу сафар тожикистонликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ҳисобни уйининг 27-дақиқасида Р.Ғофуров очди. У иккинчи бўлим бошида рақиблар дарвозасига яна тўп киритди. Уйиннинг сўнгги дақиқасида Р.Сайфуллин ҳисобни 3:0 га етказди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси икки уйиндан сўнг 6 очко тўплаган ҳолда ўз гуруҳларида пешқадамлик қилмоқда.

/ЎЗА/

“ЧПФ Квант таъминот хизмат” фирмаси пул ўтказиш йўли билан куйидаги маҳсулотларни сотади:

1. Пневмоударник П-110
2. Буровые кироник БКР-45
3. Буровые кироник БКР-55
4. Буровые долота диаметр 215-9 КПВ
5. Долота диаметр 76 мм

Мурожаат учун телефон:
67-02-80

Туркистон

Иккинчи ярим йиллик учун обуна бошланди! Шошпинг!

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Жамолiddин ТҲТАШЕВ

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-58

Хатлар бўлими — 133-79-69



МАЪНИЛИМИЗ:

700053 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-ў

Таҳририятга юборилган материаллар қайтариқмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқлангани мумкин.